

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимиз тўғрисида муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айланмоқда.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. 2026 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши **19 февраль** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимизда Рамазон ойини **миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

«Рамазон – меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи» деган эзгу ғоя асосида:

кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш;

ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод этиш;

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 16 февраль

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Президент Шавкат Мирзиёевга энг устувор ислохотлар дастурлари ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳалари юзасидан ахборот берилди.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳалар илғор хорижий тажриба асосида мутлақо янги ёндашув асосида ишлаб чиқилди. Уларда Президентимиз томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланмоқда.

Ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурининг бир-биридан фарқи жиҳатларига алоҳида тўхталинди.

Давлатимиз раҳбари тақдирот қилинган лойиҳалар билан батафсил танишди, тегишли фармонни имзолаб, ислохотлар дастурлари ҳамда «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» давлат дастурини тасдиқлади. Барча ислохот ва чора-тадбирлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши – янги иш ўринлари қўнайиши, даромадлар ўсиши ва аҳоли розилигида ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилди.

Ушбу
QR код орқали
тақдимот
тафсилотлари
билан
батафсил
танишинг:



Касаба уюшмаси аралашгач...

МУРОСА – ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Сардоба туманидаги ташкилотларнинг бирида ишлаётган ходим ойлик маоши қисқартирилганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Масалани ўрганган меҳнат ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева низонинг асл сабаби ўзаро тушунмовчилик ва самимий мулоқот етишмаслигида, деган хулосага келди.

Маълум бўлишича, ходим оилавий шароити огирлиги тўғрисида руҳий тушқунликка тушган ва айрим ҳолларда бошқалар билан қўпол муносабатда бўлган. Иш берувчи ходимнинг аҳволидан ўз вақтида хабардор бўлмаган, вазиятни чуқур ўрганмасдан қарор қабул қилган.

Амалдаги қонунчиликда меҳнат низоларини судга ҳал қилиш, келишмовчиликлар олдини олиш ва бар таъриф этишнинг аниқ механизми белгилаб берилган. Яраштирув эса энг самарали усул сифатида ўзини оқламоқда. Ушбу ҳо-

латда ҳам айни тартиб роса қўл келди, яъни иккала томон муроасага келтирилди.

– Жорий йил январь ойида кенгашимизга 7 та мурожаат бўлди. Шундан 5 таси яраштирув асосида жойида ижобий ҳал этилди, – дейди Ширинхон Умаралиева. – Аслида низоларни муроаса орқали бартараф этиш энг тўғри йўл. Бу барча учун фойдали. Шу боис иш берувчи билан ходим ўртасидаги муаммони судга ҳал қилишга, ҳатто суд жараёнида ҳам яраштирув усулидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Меҳнат ҳуқуқ инспекто-

рига бултур 180 нафар ишчи-ходимдан 50 та мурожаат келиб тушган. Шундан 26 таси қаноатлантирилиб, 154 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланган. Уларнинг фойдасига жами 73,4 миллион сўм иш ҳақи, устама, таътил пули, компенсация ва маънавий зарар ундириб берилган. Шунингдек, 15 та ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказилиб, 88 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Сағй-ҳаракатлар натижасида 899 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланган. Умуман, жамоатчилик назорати кучайтирилиши ва ҳуқуқий тарбия ишлари изчил олиб борилиши мурожаатлар сони камайишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, меҳнат муносабатларида муроаса ва ўзаро ҳурмат устувор бўлса, низолар камаяди, жамоада соғлом муҳит қарор топади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



ИЖОДНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ

4-саҳифада ўқинг...

МУАЛЛИМАНИНГ МАОШИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

27 йиллик тажрибага эга инглиз тили ўқитувчиси Феруза Абдулхаева ошай таълим муассасасида фаолият юритиб келаётган пайтда Фарғона шаҳридаги нодавлат таълим муассасаси таркибидаги хусусий мактабга ишга таклиф этилди. Шу тариқа даргоҳда ёшларга дарс бера бошлади.

Ёзда ўқувчилар қатори ўқитувчилар ҳам таътилга чиқишади. Қонунга кўра, бу даврда педагогларга меҳнат таътили ва тегишли тўловлар амалга оширилиши лозим. Бироқ муассасада айрим ходимларга таътил пули берилган бўлса-да, Феруза Абдулхаева бу тўловдан маҳрум қилинди. Сабабини сўраганида «Рўйхатда йўқсиз», деган ноаниқ ва асоссиз жавоб эшитди. Оқибатда тажри-

бали педагог уч ой давомида маошсиз қолди. Бу ҳам етмаганидек, янги ўқув йили бошланганида ишга қақирилмади. Кейинчалик маълум бўлишича, у озғани равишда ишдан бўшатирилган экан.

Бу меҳнат қонунчилигининг энг муҳим талабларидан бири – ходимни қонуний асос ва расмий тартибсиз ишдан бўшатмаслик принципи қўпол равишда бузилганини кўрсатади. Шу боис педа-

гог ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди. Унинг шикоятини бош юрисконсулт Мансуржон Усмонов назоратга олди.

Ўрганишлар жараёнида иш берувчи қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйгани аниқланди. Жумладан, ходимдан ишдан бўшаш тўғрисида ариза олмаган, уч ойлик иш ҳақини тўламаган, навбатдаги меҳнат таътили бермаган ҳамда тегишли тартиб-таомилларга амал қилмаган.

– Ушбу ҳолатлар юзасидан дастлаб иш берувчига расмий сўров

хати юбордик, – дейди Мансуржон Усмонов. – Аммо жавоб олмадик. Шунингдек, музокара йўли билан низоини ҳал қилишга уриниб кўрдик. Барибир, фойдаси бўлмади. Пировардида Ф.Абдулхаева манфаатларини кўзлаб, судга даъвоариза киритдик.

Нихоят, адолат қарор топди. Суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, ходим фойдасига уч ойлик иш ҳақи, меҳнат таътили учун тўлов, компенсация маблағлари ҳамда маънавий зарар учун тоvon пули, жами 69 миллион 941 минг сўм ундирилиши белгиланди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Президент Шавкат Мирзиёев космосга сунъий йўлдош учуриш ҳамда биринчи ўзбек фазогирини тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдироти билан танишди.

Тадбирда илмий-технологик салоҳиятни ошириш доирасида биринчи миллий илмий сунъий йўлдошни яратиш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Шу асосда мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда «Мирзо Улугбек» номли 6U форматдаги илмий сунъий йўлдошни учуриш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биринчи миллий космонавтни тайёрлаш ва уни фазога учуриш стратегик вазифа сифатида белгиланган.

– Бу шунчаки рамзий қадам эмас, балки мамлакатимиз илмий салоҳияти, ёшларимиз орзуси ва миллий гуруҳимиз ифодаси бўлади, – деди Президентимиз.

Қуйидаги QR код
орқали ушбу
тақдимот
тафсилотлари
билан
танишинг:



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир.

Абдурауф Фитрат

ҲЕЧ БИР МУАММО ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида «Аёллар дафтари»нинг еттинчи босқи-

чида амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-

дерациясидан бириктирилган масъул раҳбар Абдуғаффор Солихов ҳамда кенгаш раиси Эркинжон Нуралиев мазкур жараёнда ҳеч бир хо-

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

тин-қиз эътибордан четда қолиб кетмаслигига алоҳида урғу беришди. Сўнгра касаба уюшмаларидан бириктирилган вакилларга ўрганиш ишларини сифатли ва ўз вақтида ниҳоясига етказиш бўйича вазифалар берилди. Шунингдек, хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, жойларда учраётган муаммоларни бар-тараф этиш ва келгусидаги устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Мутасаддилар томонидан «Аёллар дафтари» нафақат ижтимоий ҳимоя воситаси, балки хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни мустақил даромад манбаига эга қилиш ва оилалар фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган муҳим механизм экани алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш ниҳоясида асосий мақсад дафтарга киритилган барча аёлларнинг муаммолари ечим топиши, бандлиги таъминланиши ва ҳаёт сифати яхшиланишига эришишдан иборат экани алоҳида қайд этилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

Таҳлил

Бир ўқитувчи ой охирида банк картасига ваъда қилинган устама тушмаганидан хабар топганида бу муаммо ортида қонун, ўзининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган тизим борлигини ҳам билмаган. Сув хўжалиги ходими йиллар давомида устама олмасдан ишлаганида, бу шахсий муаммоси эмас, тизимдаги камчилик эканини англамаган. Улар охири бир йўл тутиб, касаба уюшмасига мурожаат қилишди. Ва бу иккисига ҳам адолат эшигини очди.

АДОЛАТ ЭШИГИ ҚАНДАЙ ОЧИЛАДИ?

Меҳнат инсон ҳаёти учун восита бўлиши мумкин, аммо унинг қадри учун мезон саналади. Ҳақ тўлашдаги адолат, ходим ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, мурожаатларнинг эшитилиши ва уларга ечим топилиши жамиятнинг виждони қанчалик уйғоқ эканини намоён этади. Шу маънода, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиёти рақамлар билан эмас, тикланган ҳуқуқлар билан ўлчанадиган жараёнга айланган.

Федерация Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган тартиб бу ерда қозоғга битилган қоидага эмас, қундалик иш усулига айланган. Ҳар бир мурожаат рўйхатга олинади, саволнома ва иш режаси тузилади, зарур ҳужжатлар талаб қилиб олинади, муаммо жойига чиқиб ўрганилади, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан иш берувчига ёзма кўрсатмалар киритилади, ўрганиш якунлари расмийлаштирилади ва мурожаат муаллифига асосли жавоб юборилади. Буларнинг барчаси «murojaat.kasaba.uz» платформасида қайд этилиб, мурожаат ечим топмагунча назоратда бўлади. Бу тартиб ҳисобот учун эмас, натижа учун жавобгардир.

Ўтган йили вилоят кенгашига 169 та мурожаат келиб тушган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, уларнинг 27 таси ишга тиклаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақида бўлган. 53 таси ҳуқуқий ҳимоя, 23 таси моддий ёрдам, 11 таси меҳнат муҳофазаси, 41 таси ижтимоий-иқтисодий ва 9 таси бошқа масалаларга тааллуқли саналган. Энг муҳими, 100 нафардан ортиқ ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари амалда тикланган.

Мурожаатларнинг 78 таси тўлиқ қаноатлантирилган. 21 таси бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилган, 85 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган, 3 таси тегишли идораларга юборилган ва айни пайтда 6 таси иш юритувида. Бу далиллар тизим узлуксиз ишлаётганини кўрсатади. Айниқса, давлат муассасалари, жамоат хизматлари ҳамда таълим ва фан соҳасидан 20 фоиздан ортиқ мурожаат келиб тушгани бу тармоқларда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ муаммолар долзарблигича қолаётганини аниглайди. Иш ҳақини ундириш, устамалар тўланмаслиги, штат ўзгаришлари, дарс таксимоти, ишда қолиш афзалликлари, пеня ундириш, жамоа шартномалари ижроси каби масалалар ходимлар учун ҳаёт аҳамиятга эга.

Масалан, Бухоро шаҳрида

яшовчи фуқаро Д.Аҳмедованинг мурожаати асосида малякали педагогларга белгиланган устама тўловлари ўз вақтида берилмагани, республика миқёсида жорий этилган рағбатлантириш тизими жойларда тўлиқ ижро этилмагани аниқланди. Касаба уюшмалари томонидан киритилган ёзма кўрсатмалардан сўнг, ноябрь ва декабрь ойлари учун ушбу устамалар ва зирлик жамғармаси ҳисобидан педагогларга тўлиқ тўлаб берилди. Бир мурожаат орқали ўнлаб ўқитувчиларнинг ҳуқуқи тикланди.

Яна бир ҳолат эса ҳуқуқий механизмининг кучини кўрсатди. Қонунчиликка кўра, сув хўжалиги тизимидаги бюджет ташиқлотлари ходимларига ҳар ойлик устама тўлаш тартиби аниқ белгиланган бўлса-да, АВМК Олот тумани бошқармасининг 29 нафар ходими ушбу тўловни умуман олмаган. Прокуратура ва давлат молиявий назорати инспекцияси ўрганишлари жараёнида сметада маблаг режалаштирилгани, аммо амалда тўлов амалга оширилмагани тасдиқланди. Касаба уюшмалари инспекторлари томонидан судга киритилган даъво-ариза натижасида 29 нафар ходим фойдасига 132 миллион сўмдан ортиқ устама маблағлари ундирилди.

Бу ҳолатлар шундан далолат берадики, қонунлар бор, қарорлар, рағбатлантириш механизмлари бўлса-ю, уларни ҳаётга татбиқ этиш устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилмаса, ходим ўз ҳақини йиллар давомида ололмай ишлаб юрaveraди. Касаба уюшмалари аралашуви ана шу узилган боғламни тикламоқда, қонуннинг амалиётдаги кучини кўрсатмоқда. Шу боис тармоқ масъуллари, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич касаба уюшмалари раисларининг ролини ошириш, низоларни илк босқичдаёқ ҳал қилиш, меҳнат муносабатларини жойларда режали ўрганиш, қонунбузилишлар юзасидан кўрсатмалар киритиш ва ижрони назоратга олиш каби тақлифлар илгари сурилмоқда. Улар амалга ошса, тизимда ҳуқуқий маданият мустаҳкамланади ва ходимларнинг касаба уюшмасига ишончи янада ортади.

Адолат оддий мурожаатдан бошланади. Қозоғга тушган битта ариза сабаб ўнлаб инсонлар ҳуқуқи тикланади, ойлаб тўланмаган устамалар қайтарилади, йиллар давомида йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этилади. Шунинг учун ҳам биз бутун касаба уюшмаларига келаётган ҳар бир мурожаатни оддий ҳужжат эмас, адолат сари қўйилган қадм, деб биламиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

2025 йили Жиззах вилояти спортчилари сув полоси бўйича мамлакат миқёсида ўтказилган икки чемпионатда 2- ва 3-ўринларни қўлга киритишди. Шунингдек, бултур март ойида Сингапурда уюштирилган халқаро турнирда республика сув полоси терма жамоаси таркибида иштирок этган жиззахлик Ҳусниябону Абдуллаева бронза медаль, август ойида эса Тожикистонда бўлган халқаро мусобақада Фотима Мусулмонқулова ҳамда Жавлон Ғаниев қумуш медаль билан тақдирланди. Бундан ташқари, Ж.Ғаниев Озарбайжонда ўтказилган халқаро чемпионатда ҳам 2-ўринни эгаллади.

Ушбу ютуқлар Жиззах вилояти сув спорти Федерациясининг навбатдаги йиғилишида алоҳида эътироф этилди.

ЮТУҚЛАР ҲАМ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ

Ўз навбатида, соҳадаги камчиликлар, хусусан, ёпиқ сузиш ҳавзаларини исти-тишдаги муаммолар сабабли тўғарақлар фаолиятида узилишлар кузатилаётгани, селекция, мураббийлар ма-лакасини ошириш ҳамда болаларни сузишга кенг жалб қилиш борасидаги камчиликлар айтиб ўтилди. Шу асно муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз,

вилоятимизда 1 та очик, 6 та ёпиқ сув ҳавзаси бўлиб, 521 нафар ўғил-қиз сув спорти тўғарақларига жалб этилган. Уларга 27 нафар мураббий соҳа сирларини ўргатиб келмоқда.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Жиззах вилояти
кенгаши референти

Жамоа шартномаси – амалда

КЕНГАШИБ ИШЛАШ САМАРАСИ

Меҳнат кодексининг 29-моддасига кўра, жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат.

Халқ банкининг Сирдарё вилояти минтақавий марказида меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда амалдаги жамоа шартномаси бандларининг 2025 йилдаги ижроси юзасидан жамоа раҳбари Хуршид Ҳолмуҳамедов ҳамда бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Фарида Рўзмуҳаммедованинг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланишича, жамоа шартномасидаги 18 та бўлимдан иборат жами 118 та банд ижросига доимий эътибор қаратилган.



13-бўлим, яъни «Ижтимоий шериклик, касаба уюшма фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши» бўлимидаги 10 та банд ижроси юзасидан иш берувчи бимлан ҳамкорликда қатор

ишлар амалга оширилган. Белгиланган иш ва дам олиш вақтлари, меҳнат таътиллари, меҳнат шартномалари тузиш ва бекор қилиш тартиблари бўйича тушунтиришлар олиб борилган.

Маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилган, ходимлар учун саёҳатлар уюштирилган.

Ўтган йили банк ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 3 нафари Тошкент вилоятидаги дам олиш масканига ҳордиқ чиқаришган. Бир киши санаторийда, ходимларнинг 2 нафар фарзанди эса оромгоҳда соғлигини тиклаган.


Йиғилишда иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти қониқарли, деб баҳоланди ва истиқболли режалар келишиб олинди.

Ботир УСМОНОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари
ва жамоат хизмати ходимлари
касаба уюшмаси Сирдарё
вилояти кенгаши раиси

Лондон қоидаларни кучайтирмоқда

Британия ҳукумати 2026 йилда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаши мумкин. Бу ҳақда 16 февраль куни The Times газетаси ҳукумат манбаларига таяниб хабар берди.

Нашр маълумотларига кўра, ташаббус бош вазир Кир Стармер эълон қилган янги ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда. Унга кўра, болаларнинг ижтимоий тармоқларга кириши жорий йилнинг ўзидаёқ чекланиши мумкин.



Кириши назарда тутилган. Қоидалар нафақат ижтимоий тармоқларга, балки чат-ботларга ҳам таътиб этилиши мумкин. Шунингдек, вазирлар маҳкамаси интернет-платформаларга вояга етмаганлар «чексиз кўриш» функцияси мавжуд сервисларда қанча вақт сарфлаши мумкинлиги бўйича мажбурий лимит жорий этиш масаласини ҳам кўриб чиқмоқда.



Эпштейн ҳужжатларида

АКШ Бош прокурори Пэм Бонди 14 февраль куни америкалик молиячи Джеффри Эпштейнга оид ҳужжатларда қайд этилган 300 дан ортиқ исмлар рўйхатини эълон қилди.

DocumentCloud платформасида жойлаштирилган ҳужжатга кўра, рўйхатга амалдаги ва собиқ давлат хизматчилари, шунингдек, таниқли сиёсатчилар киритилган. Улар номи материалларда ка-

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Ҳомиладорлик ва туғуруқ таътилини расмийлаштириш жараёнида корхонамиз тугатилиши эълон қилинди. Шунинг учун «декрет» ҳамда бола парвариши учун нафақа пулини ололмай қолишим мумкин экан. Шу тўғрими?

Гавҳар ТУРҒУНОВА
Тошкент вилояти

ТУҒУРУҚ ТАЪТИЛИНИ ОЛОЛМАЙМАНМИ?

ЖАВОБ: Амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ туғуруқкача етмиш календарь кун ҳамда ундан кейин эзлик олти календарь (туғуруқ қийин кечган ёҳуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь) кун ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилади. Бунда қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фониздан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.

Ушбу нафақа пуллари қонда тариқасида ходимга ҳомиладорлик ва туғуруқ бўйича таътил расмийлаштирилгач, тўлаб берилади. Демак, сиз ҳомиладорлик таътилига чиқиб кетишингиздан олдин ҳомиладорлик ва туғиш таътили пуллари тўлаб берилишини талаб қилишингиз керак.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка кўра, ҳомиладорлик ва туғуруқ таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига биноан, бола икки ёшга тўлгунча қадар парваришlash таътили ҳам берилиши мумкин. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда нафақа тўланади ва унинг тартиби, миқдори ва муддати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сиз туғуруқ таътили тугагандан кейин хоҳишингизга кўра бола икки ёшга тўлгунча қадар болани парваришlash учун нафақа тайинланиши хусусида яшаш ҳудудингиздаги ижтимоий таъминот органларига (маҳалла фуқаролар йиғинига) мурожаат қилишга ҳақлисииз.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Президентимизнинг 2025 йил 10 декабрдаги «Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодийёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан мамлакатда нақд пулга асосланган «яширин келишувлар» даврига расман нуқта қўйилмоқда. Унга кўра, шу йил 1 апрелдан янги тартиб кучга киради. У нафақат кўчмас мулк ва автомобиль каби йирик харидларни, балки аҳолининг кундалик ҳаётидаги тўловларни ҳам тубдан ўзгартириши кутилмоқда.

АЙЛАНМА ҚОНУНИЙ БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН?

Эскроу – инглизча «escrow» сўзидан олинган бўлиб, пул ёки мол-мулкни сақлаш, деган маънони англатади. Бунинг моҳияти ишнинг буюртмачиси, хизматнинг буюртмачиси ёки товар олувчиси томонидан тўланган пуллар, иккинчи томондан ўз мажбурияти лозим даражада бажарилмагунга қадар музлатилган ҳолда учинчи шахс томонидан сақланишини назарда тутувчи ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Кейинги йилларда аҳоли орасида ҳали тугалланмаган уй-жойларга пул тўлаш ҳолатлари ортган, бунинг оқибатида фуқаролар қўшгирноқ ичидаги тадбиркорларга алданиб қолаётган эди. Ушбу тизим уй-жой қурувчилари билан қурилиши тугалланмаган уйларни сотиб олувчилар ўртасида ҳозир учраётган муаммолар, яъни низолар олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, бу судлар томонидан қўрилаётган низолар сони камайишига ҳам олиб келади.

Умуман олганда, мамлакатимизда яширин иқтисодийётга қарши кураш кескин қучайтирилмоқда. Хусусан, юқорида тилга олинган фармонга кўра, 2030 йилгача яширин иқтисодиёт улушини 1,3 бараварга қисқартириш мақсад қилинди. Шу боис нақд тўловлар тақиқланадиган соҳалар қатъий белгилаб қўйилди. Яъни қуйидаги йўналишларда тўловлар эндиликда фақат банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилади:

Давлат ва коммунал хизматлар: давлат органлари хизматлари, шунингдек, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви учун тўловлар. **Акцизоти товарлари:** алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси.

Энергетика ва транспорт: «Заправка»ларда (АЁҚШ, АГТҚШ) ёнилги сотиш ва электромобилларни қувватлаш хизматлари.

Шунингдек, қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган ҳар қандай товар ва хизматлар учун нақд тўлов тақиқланади. Бундан ташқари, кўчмас мулк объектлари ҳамда ишлаб чиқарилганга 10 йилдан ошмаган М, N, O ва G тоифага кирувчи транспорт воситаларини сотиш фақат банкдаги махсус ҳисобварақлар орқали амалга оширилади.

Ҳеч кимга сир эмас, авваллари



маиший техника дўконидан қимматбаҳо музлаткич ёки мебель сотиб олинганда харидор келишилган суммани нақд пулда тўлаши, бу эса дўкон эгасига тушумни кассада ўтказмасдан яшириш имконини берарди. Эндиликда, агар товар нархи 25 миллион сўмдан ошса, тўлов фақат терминал ёки банк ўтказмаси орқали амалга оширилиши шарт. Бу савдодаги «қора тушум»ларни қонуний айланмага киритишга хизмат қилади.

ЎЗГАРИШЛАР НИМА БЕРАДИ?

Ҳеч биримизга сир эмас, ҳозир уй олди-сотдисидида шартномага паст нарх ёзиб, қолганини «конвертда» бериш одат тусига кирган. Янги тизимда банк орқали ўтган пул шартномада тўлиқ акс этиши шарт. Натижада кўчмас мулк бозорининг реал ҳажми кўринади. Банк ўтказмаси ҳар қандай хавфни йўққа чиқаради. «Эскроу» эса харидорни пулни бериб қўйиб, уйсиз қолишдан асрайди.

Эски тизимда уйни 100 минг долларга сотиб олиб, қозода 40 минг деб кўрсатилса, борди-ю, келишув амалга ошмай, харидор суд орқали фақат қозода ёзилган суммани қайтариб олиши мумкин. Янги тизим айнан мулкий ҳуқуқларни таъминлашга хизмат қилади.

Сирасини айтганда, уй-жой ва автомобиллар савдоси учун жорий этилаётган «Эскроу» тизими оддий ва ишончли механизмга асосланган. Адлия вазирлиги ва Марказий банк маълумотларига кўра, жараён қуйидагича кечади:

Харидор ва сотувчи ўзаро келишгач, харидор банкда (ёки мобилъ илова орқали) «Эскроу» ҳисобварағи очади. Маълум суммани шу ҳисобга ўтказиши шарт. Банк пулни вақтинча «музлатади». Шундан сўнг томонлар нотариусга боради. Нотариус автоматлаштирилган тизим орқали банкка сўров юбориб, пул борлигини текширади. Агар ҳаммаси жойида бўлса, нотариус шартномани тасдиқлайди ва тизим орқали банкка хабар беради.

Банк шу заҳотиёқ пулни сотувчи ҳисобига ўтказиб беради. Борди-ю, битим амалга ошмай қолса, харидор пулни банкдан тўлиқ қайтариб олади.

Тўғри, ҳар қандай янгилик дастлаб баъзи бир қийинчиликлар ёки тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунончи, янги тизим аҳоли учун қуйидаги «бош оғриғи»ни келтириш эҳтимоли бор.

Ўзбекчилик, «пул қўлнинг кири» деймиз, аммо кўпчилигимиз уни «кўз билан кўриб, қўл билан санашни» хоҳлаймиз. Шунинг учун бундай олди-сотдига кўникишимиз учун бироз вақт керакдир...

Яна бир омил: айримлар даромад манбаини ошқор қилишдан қўрқинишади. Ҳозиргача ҳеч ким, масалан, кимдир 100 минг долларга уй сотиб олса, у давлатга ушбу маблагни қаредан олганини тушунтириши шарт эмас. Чунки шу вақтгача уй-жой олди-сотдисидида нарх иложи борица кам кўрсатилади. Бу ҳаммага кундек равшан. Янги тизимда эса тўлиқ сумма банкдан ўтади. Бу эса «Солиқ қўмитаси мени сўроққа тутмасмикан?» деган хавотирни уйғотади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, эскроу ҳисобварақларини мобилъ иловалар орқали очиш имконияти ҳам қўзда тутилган. Бироқ чекка ҳудудлардаги аҳоли ёки кекса авлод вакиллари учун смартфон орқали бундай йирик операцияларни амалга ошириш техник жиҳатдан мураккаб бўлиши мумкин.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҚАНДАЙ?

Аслида бу тажриба хорижий давлатларда аввалдан бор, яъни ҳуқуқмағимиз велосипедни қайтадан ихтиро қилаётгани йўқ, аксинча, Европа стандартларига мос равишда иш тутмоқда.

Франция ва Германияда кўчмас мулк бозоридида нақд пул мутлақо тақиқланган. У ерда тизим шундай ишлайди: харидор пулни сотувчига эмас, балки нотариуснинг депозит ҳисобрақамига (Notary Trust Account) ўтказиши шарт. Нотариус давлат вакили си-

фатида пулни ушлаб туради, мулкнинг «тоза»лигини текширади, солиқларни тўлайди ва шундан кейингина қолган пулни сотувчига беради. Ўзбекистон билан фарқи бизда пул нотариуснинг ҳисобида эмас, балки тижорат банкининг «Эскроу» ҳисобида туради. Лекин пулни ечишга рухсатни барибир нотариус (электрон тизим орқали) беради.

Италияда 2017 йилдан бери «Deposito Prezzo» (Нарх депозити) қонуни ишлайди. Бу харидорни «кутилмаган сюрпризлар»дан ҳимоялаш учун қилинган. Масалан, шартнома имзоланиши ва мулкни рўйхатдан ўтказиш орасидаги қисқа вақт ичида қарзлар туфайли сотувчининг мулкига тақиқ тушиб қолиши мумкин. Депозит тизими шундан ҳимоя қилади: мулк тўлиқ ўтмагунча, сотувчи пулни ололмайди. Швеция ва Норвегияда жараён шу қадар рақамлаштирилганки, банк ва миқдор ўртасидаги битимлар смартфон орқали бир неча дақиқада ҳал бўлади. Бу қоғозбозликни камайтириб, тезкорликни оширади.

ХУЛОСА

Мухтасар айтганда, 2026 йил 1 апрелдан эътиборан кучга кираётган ислоҳот, яъни уй-жой ва машинадан тортиб, бир бак бензину, коммунал тўловларгача бўлган жараённинг рақамлашуви – жамиятнинг шаффофликка ўргатади. Гарчи дастлабки босқичда аҳоли учун бироз ноқулайликлар келтириб чиқарса-да, бу «қора бозор»ни жиловлаб, шаффофликни таъминлайди. Шаффофлик эса фаровонликнинг ягона йўлидир.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ «ISHONCH»

«Ishonch» ракурси

Эл бошига иш тушса, эр йигит этик билан сув кечади, дейишади. Қўшработлик «Тез тиббий ёрдам» ходимларига тасанно! Улар кучли ёмғир туманнинг бир қатор ҳудудларида жиддий оқибатлар келтириб чиқарган ва шошилиш ёрдамга эҳтиёж қаррасига ошиб кетган фавқулодда вазиятда жонбозлик кўрсатишди. Тиббий ёрдамга ошиққан шифокорлар йўлига «Қўшработ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган сойдаги тошқин ҳам ғов бўлолмади.

ҚЎШРАБОТДАГИ ТОШҚИН САБОҒИ

«Тез ёрдам»чиларга тасанно! Йўлсозларга эса...



– Туманнинг тоғли ҳудудларидаги бир қатор маҳаллаларда шошилиш ёрдамга муҳтож бўлган беморларга хизмат кўрсатилди. Бир кишини тезда шифохонага олиб боришга тўғри келди, – дейди кун қаҳрамонига айланган ҳайдовчи Шерзод Ибрагимов. – Гапнинг очиги, бундай ҳолатга илк бор дуч келаётганимиз йўқ. Бундан катта тошқинларда ҳам хизмат бурчимизни бажарган вақтимиз бўлган.

– Энг муҳими, давлатимиз шошилиш ёрдам марказларини ишончли транспорт воситалари билан таъминлаб қўйган, – дейди туман тез тиббий ёрдам бўлими мудири Анвар Дастамов. – Тоғли ҳудудда ишончли техникасиз ҳаракатланиб бўлмайди. Ҳозир тасарруфимиздаги 4 та «Дамас»дан ташқари, барча шохобчаларда ҳам манзилга ҳар қандай об-ҳаво шароитида элтишга шай транспорт воситалари мавжуд.

Ҳайдовчи, ҳамшира ва шифокор вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан рағбатлантиришга тавсия этилди.

Ҳаммаси яхшику-я, аммо йиллар давомида Қўшработ йўлларидаги муаммо бартараф этилмапти. Туман марказини аҳоли пунктлари билан боғловчи 4 та хатарли сой бор. Аҳолининг арз-дод-

лари кўпайгач, «Қўшработ» МФЙ ҳудудидаги сойларнинг бирига кўприк ўрнатилди. Қолган учта сой эса серёғин йилларда йўловчилар сабрини синовдан ўтказмоқда. Тошқин сойда турли воқеалар рўй берган, машиналар сувда қолиб кетган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Жуда катта маблаг талаб этилмайдиган ясси сойлар ямалишганимиз йўқ. Бундан катта тошқинларда ҳам хизмат бурчимизни бажарган вақтимиз бўлган.

Нахотки, кўприк қуриш ёки селлар автоуловлар ўтадиган кўчага зарар етказмайдиган шароит яратишнинг иложи бўлмаса?..

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Қозоғистон янги Конституция учун овоз беради

Қозоғистонда янги Конституция лойиҳаси бўйича референдум 15 мартга белгиланди. Фармон Конституция комиссияси томонидан ҳужжатнинг якуний таҳрири тақдим этилгандан сўнг президент Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан имзоланди.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, таклиф этилаётган ўзгаришлар ваколатларни қайта тақсимлаш, тизимдаги «тийиб туриш ва мувозанат» механизмларини мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий институтлар барқарорлигини оширишга қаратилган. Тоқаев амалдаги Конституция мамлакат шаклланишида муҳим роль ўйнаганини, бироқ у бугунги иқтисодий ва геосиёсий воқеликларни тўлиқ акс эттирмай қолганини таъкидлаган.

Лойиҳа маъқулланса, ўзгаришлар амалдаги Асосий қонун матнининг 84 фойизига тааллуқли бўлади.

300 дан ортиқ машҳур исмлар

мида бир марта тилга олинган.

Тилга олинганлар орасида АҚШнинг 42-президенти Билл Клинтон, 46-президенти Жо Байден, Microsoft компанияси ҳаммуассиси Билл

Гейтс ва хонанда Бейонсе бор.

Шу билан бирга, ҳужжатларда номининг тилга олиниши шахснинг ноқонуний фаолиятга алоқадорлигини аниқлашга алоҳида қайд этилган.

Мадурога қарши операция қанчага тушган?

Bloomberg агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ Кариб денгизи ҳудудидаги ҳарбий ҳозирлик ва Венесуэла президенти Николас Мадуро ҳамда унинг рафиқаси Сирия Флоресни қўлга олишга қаратилган ҳаракатлар билан боғлиқ операция учун тахминан 3 миллиард доллар сарфлаган.

Материалда таъкидланишича, Дональд Трамп маъмуриятининг Кариб минтақасидаги фаоллашуви умумий ҳисобда 3 миллиард долларга яқинлашган. Лотин Америкаси соҳиллари яқинида жойлаштирилган ҳарбий кемаларни сақлашнинг ўзига ҳар куни 20 миллион доллардан ортиқ маблаг сарфланган.

Шу билан бирга, Пентагон ва Оқ уй вакиллари ҳаракатлар тасдиқланган бюджет доирасида қоплангани ва солиқ тўловчиларнинг қўшимча маблағлари талаб этилмаганини таъкидлаган. Бироқ Bloomberg эксплуатация ҳаракатлари, кемалар ҳаракатига оид маълумотлар, сунъий йўл-



дош тасвирлари ва расмий жойлаштириш хабарларини таҳлил қилиш асосида техникани Венесуэла соҳилларига кўчириш миллиардлаб долларга тушгани ва бу АҚШнинг бошқа минтақалардаги имкониятларини чеклаган бўлиши мумкинлигини қайд этган.

Польша президенти – ядровий лойиҳа тарафдори

Польша ўз ядровий салоҳиятини яратиш йўлларини кўриб чиқиши керак. Бу ҳақда мамлакат президенти Кароль Навроцкий Polsat News телеканалига берган интервьюсида маълум қилган.

Давлат раҳбари Польша «ядровий лойиҳага қўшилишнинг катта тарафдори» эканини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, мамлакат, жумладан, Россия атрофидаги вазият туфайли «қуролли можаро остонасида» турибди.

Навроцкий бу йўналишдаги ҳаракатлар халқаро меъёрларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши кераклигини қайд этди. «Ишни бошлаш учун ҳаракат қилишимиз зарур», деди у.



«Толибон» Эронни қўллаб-қувватлашга ваъда берди

Афғонистонда ҳокимият тепасида турган «Толибон» ҳаракати АҚШ томонидан Эрон ҳудудида зарбалар берилган тақдирда, Техронга ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдирди. Бу ҳақда ҳаракат матбуот котиби Забиҳулло Мужоҳид маълум қилди, деб ёзади The Jerusalem Post.

Унинг айтишича, бундай вазиятда Афғонистон Эронга хайрихоҳлик билдиради ва зарурат туғилса, Эрон билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Бироқ Мужоҳид бу қўллаб-қувватлаш Афғонистоннинг АҚШ билан қуролли қарама-қаршиликка киришишини аниқлашмаслигини алоҳида таъкидлади.

Сешанба кўни Вашингтон ва Техрон ўртасидаги музокараларнинг янги

босқичи режалаштирилган. АҚШ аввалроқ Эроннинг ядровий дастури масаласини дипломатик йўл билан ҳал қилиш ниятида эканини билдирган эди.

Оламғир ОТАЁРОВ тайёрлади

